



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 189 (13.002)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



МУСИҚА ВА НАФИС САНЪАТ УЙҒУНЛИГИ

**Мамлакатимизда
ўтказилаётган Музейлар
ҳафталиги доирасида
Ўзбекистон давлат санъат
музейида "Истиқлол
дурдоналари" деб
номланган кўргазма ташкил
этилди, дея хабар қилади
ЎЗА.**



Сардор Уринов олган суратлар

Ўзбекистон давлат санъат музейи директори В.Файзиева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янгича тафаккур ва дунёқарашли авлодни вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида миллий маданиятимиз ва санъатимизни изчил равишда таълимий ва таърифий қаратилган таъкидлади.

Мамлакатимизда янги кўргазма заллари, тасвирий санъат галереялари, санъат, маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш, мавжуд театрлар, музейларни тубдан таъмирлаш, улар фаолиятини тезкор давр руҳи билан ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазмада истиқлол йилларида ижод қилаётган мусаввир ва ҳайкалтарошларнинг ижодига мансуб асарлардан иборат махсус экспозиция томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Ушбу картиналар академизмдан то классик модернизмга бўлган ранг-баранг йўналишларни ўзига қамраб олган. Бу эса мустақиллик йилларида санъатнинг барча йўналиши каби мўйқалам соҳиблари фаолиятида ҳам та-

факкур, ижод эркинлиги яратилгани миллий тасвирий санъатнинг жадал равишда топишига хизмат қилаётганидан дарак беради.

Айниқса, А.Нуриддинов, С.Раҳметов, Ж.Умарбеков, С.Раҳмонов, М.Умаров, Ж.Башаров сингари моҳир мусаввирларнинг "Наврўз", "Олтин куз", "Тенг-қулик", "Сурхон бобо портрети" каби асарларида халқимизнинг ибратли анъана ва қадриятлари, тинч-осойишта дийримиз, табарруқ инсонлар сиймоси акс эттирилган. Ҳайкалтарошлар Д.Рўзиевнинг "Катта ашула", Г.Султоновнинг "Бухоролик келин", Д.Ражабова-нинг "Оналик" каби композицияларида истиқлол йилларидаги маънавий юксалиш йўлидаги ибратли саъй-ҳаракатлар тасвирланган.

Шу кунги музейда мактаб ўқувчилари учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри артистлари ҳамда санъат йўналишидаги олий ўқув юртли ва академик лицейлар талаба-ўқувчилари иштирокида концерт намоиши этилди.

Назокат УСМОНОВА

**Тошкентдаги Ботаника боғида Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва
фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш
жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент
комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат фаоллари, атроф-муҳит ва табибиёт соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ННТларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, улар самарали фаолият юритиши учун барча шароит яратилаётганини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2014 йил якунлари ва 2015 йил биринчи ярмидаги ҳисоботи тингланди.

Сўнгги йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият олиб борган Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, мамлакатда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Экоҳаракат томонидан атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг ва-зифасига айланишига эри-

шиш йўлидаги дастурий мақсадларни рўйбега чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар атроф-муҳит муҳофазаси, жамиятда экологик маданиятни юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда мажбурий ҳаракат 120 га яқин экологик ва 130 тиббий йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келаётди.

Ҳисобот доирасида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан жамоат ташкилотлари, ННТлар учун яратилган ташкилий-ҳуқуқий шароитларни мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ҳаётнинг фаоллигини ошириш муҳим ўринга эга эканлиги эътироф этилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан Ботаника боғи ҳудудида экоҳашар уюштирилди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

**Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил
30 июлдаги фармойишига мувофиқ жорий йилнинг
15-16 октябрь кунлари Тошкентда XI Ўзбекистон
халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади.**

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ



Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон бозорига жадал кириб боришида ушбу анъанавий ярмарканинг аҳамияти беқиёс. Мазкур ярмарка Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси (ICAC)нинг энг муҳим тадбирлари реестрига киритилгани боис дунё микёсида пахта бозори сиёсатини белгилловчи нуфузли анжуманлардан бирига айланди.

"Ўзпахтасаноат" уюشمаси тизимида ҳам ушбу нуфузли форумга қизғин ҳозирлик қўрилмоқда. Жумладан, ярмарка иштирокчиларини Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон пахта тазалаш" очик акциядорлик жамиятида қўтиб олиш режалаштирилмоқда. Бу билан иштирокчиларни пахтани қайта ишлаш жараёнига татбиқ этилаётган замонавий янги технологиялар билан яқиндан таништириш, мутахассислар билан бевосита фикр алмашишга имкон яратиш назарда тутилган. Корхонага замонавий қуритиш, саралаш, жидллаш, ленталаш ускуналари ўрнатилган, иш унумдорлиги бир неча баробар ортди, сарфланадиган электр энергия микдори анча камайди.

"Ўзэкспомарказ" да уюшма учун ажратилган майдонда соҳа корхоналарининг ишлаш жараёнини тўлиқ таърифловчи — қайта ишланаётган пахта маҳсулотларидан намуналар ва ишчилар учун яратилган шарт-шароитлар намоиш этилади.

Мамлакатимиз пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш борасида тобора улкан ютуқларга эришмоқда. Дунёдаги қўллаб-қувватлаш компаниялар ўзбек пахтасини сотиб олиш ҳамда қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилишга интиломоқда.

Пахта хомашёсини дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини оширишда "Ўзпахтасаноат" уюشمаси тизимидаги корхоналар муҳим ўрин тутди. Айни пайтда тармоқда 13 ҳудудий "Пахтасаноат" акциядорлик бирлашмаси, юзга яқин пахта тазалаш заводи, "Пахтасаноат" илмий маркази ҳамда 34 махсус уруғлик чигит тайёрлаш цехи фаолият юритмоқда. Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўнтадан, Бухоро вилоятида тўққизта, Тошкент, Хоразм ва Наманган вилоятларидаги саккизтадан завод шулар сирасидандир.

Уларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш, жаҳон пахта бозорига рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитириш чоралари қўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 14 мартдаги "Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунда муҳим омил бўлаётди.

Мазкур фармонга кўра, корхоналар босқичма-босқич реконструкция ва модернизация қилиниб, замонавий технология ускуналар билан жиҳозланмоқда.

— Хитойнинг "Синокот" компанияси билан ҳамкорликда гидропресс ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги замо-

навий корхона ишга туширилди, — дейди "Ўзпахтасаноат" уюشمаси инвестицион лойиҳаларни жалб этиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи Ринат Гуляев. — "Синокот Тошкент Коттон Эквипмент" қўшма корхонасида тола ва линт маҳсулотларини пресслаш ускуналари ишлаб чиқарилади. Илгари бу ускуналар хориждан олиб келинар эди.

Келажакда қўшимча равишда янги турдаги жин ва линтер технологик ускуналари ҳамда соҳа корхоналари эҳтиёжи учун бошқа турдаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган. Корхона тўлиқ ишга тушган йилга 10 миллион доллар миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилади. Экспорт улуши 18 фоиз, маҳаллийлаштириш 38 фоизни ташкил этиши ва қарийб 150 доимий иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Ўтган йили "Қизилқоғди" акциядорлик жамиятининг пахтани тазалаш ва саралаш цехида янги мосламалар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш қувватини оширувчи замонавий 5-ДП-130 "Жин-пахта" маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берадиган "5-ЛП" линтер агрегатлари қўлайитирилди. Пресслаш цехида 8-КБ ускунаси ўрнатилган, тойланган тола полиэтилен ип билан боғланадиган бўлди. Бу корхона рентабеллигини ошириш, ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Тизимда қийин тазаланадиган селекция навларига мансуб пахта хомашёсидан олинаётган олий ва яхши сифатли тола улушини қўлайитириш ҳамда жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам қатор юмушлар бажарилмоқда. Мисол учун, пахта тазалаш корхоналаридаги иссиқлик берувчи генераторлар замонавий, газ ва суюқ ёнғилда ишловчи генераторларга, унумдорлиги паст тазалагичлар самарадорлиги юқори бўлган "ХК", "УХК" линияларига алмаштирилди. Натижада жойларда ўртача бир кунлик ишлаб чиқариш кўрсаткичи 35-45 тоннадан 50-55 тоннага ошди.

Махсус уруғлик чигит тайёрлаш цехларида замонавий технологияларни қўллаш, бешта пахта заводида замонавий автоматлаштирилган тизим мажмуаларини йўлга қўйиш тўғрисида чигит тайёрлаш сифати ортиб, энергия тежамкорлигига эришилмоқда. Натижада уруғлик сифати ва унвчанлигини яхшилаш, унинг ҳар бир гектарга сарфланадиган миқдорини 20-30 фоиз қисқартириш ҳамда уруғлик фондиди йилга 50-60 минг тонна тежаш имконияти яратилди.

Тармоқ корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш жаҳон пахта бозорига рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитиришда қўл келмоқда. Мисол учун, 2013 йилда пахта толасининг сифати 95,1 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили унинг сифати 97,1 фоиз бўлди. "Олий" синфининг умумий улуши 14,8 фоизга ўсди. Уруғлик борасидаги ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Ўтган йили 2013 йилга нисбатан 10,3 фоизга ўсиш кузатишган бўлса, жорий йилда бундан-да юқори кўрсаткич кутилмоқда.

Замонавий технологияларни қўллаш тўғрисида эришилган асосий ютуқлардан бири электр энергиясининг тежалишидир. Бир тонна тола ишлаб чиқаришга сарфланадиган солиштирма энергия сарфи ўртача 25-27 фоизга камайди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетак-роримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асл моҳиятини ҳар бир йигит-қиз қалби ва онгига содда ва таъсирчан усуллар ёрдамида сингдиришда турли маънавий-маърифий тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

● Фарғонада "2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзuida конференция-семинар бўлиб ўтди.

● Марғилонда "Атлас байрами" миллий матолар фестивали бошланди. Марғилон шаҳар ҳокимлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва "Хунарманд" уюشمаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда барча вилоятлардан келган хунармандлар ўз маҳсулотларини намоиш этиётди.

● Сирдарёда "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, тижорат банклари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган юздан зиёд ёш тадбиркор ўз бизнес режалари билан иштирок этди.

● Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан "Касаба уюшмалари — болаларга" акцияси доирасида Андижонда ўтказилган тадбир шундай номланди. Қизиқарли маърузалар, савол-жавоблар асосида ўтган мулоқотлар давомида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олди.

ЖАҲОНДА

● Бирлашган Араб Амирликларининг "Emirates" авиакомпанияси келаси йилнинг 1 февралидан бошлаб, Дубай-Панама йўналишини бўйича парвозларни йўлга қўйишни режалаштирди ва бу дунёдаги энг узок авиакатнов бўлади. Ўшунинг билан мазкур йўналишда йўловчилар 17 соату 35 дақиқа давомида парвоз қилишади. Авиакомпания миҳозларга хизмат кўрсатишда "Boing-777-200 LR" русумли самолётлардан фойдаланмоқда.

● АКШ ва Янги Зеландия геофизиклари Шимолий орол ер ости сув ҳавзаларида йирик олтин ва қумуш захираларини аниқлашди. Ўшунинг билан Шимолий оролнинг Таупо вулқон ҳудудида қимматбаҳо металлларнинг олтин йирик қони топишган бўлиб, ҳисоб-китобларга кўра, конларда қазиб ишлари бошланса, олтин қазиб олишдан йилга 3 миллиард доллар, қумушдан эса 3,5 миллиард доллар фойда олинади.

● Британиянинг қимматбаҳо автомобилларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган машҳур Rolls-Royce компанияси ультралюкс тоифасидаги Rolls-Royce Dawn русумли янги кабриолетни ишлаб чиқаришни бошлади.

“Тошкент Оникс” масъулияти чекланган жамияти шиша идиш ва турли ёритиш приборлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, дея хабар қилади ЎЗА.

Кундалик ҳаётимизда турли ошхона жиҳозлари, хусусан, идишлардан кенг фойдаланамиз. Чиройли безатилган дастурхон, мохирона тайёрланган шиша идиш ва буюмлар кайфиятни кўтарди, кўзни қувонтиради.

Бугун Ўзбекистон бозорида хилма-хил ошхона идишлари, майиш буюмларни кўриш мумкин. Аксарияти хориждан келтирилган ушбу маҳсулотларни яқинда мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси томонидан бу борада амалга оширилган лойиҳага кўра, “Тошкент Оникс” масъулияти чекланган жамияти Марказий Осиёда шиша идишлар ишлаб чиқарадиган ягона йирик корхона бўлади.

Мамлакатимизда турли ёритиш воситаларига эҳтиёж катта эканига қарамасдан, “Оникс” корхонаси яқин-яқинларча иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналардан бири эди. Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимизнинг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжал-

ланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қўлаб қорхоналар, жумладан, “Оникс” очик акциядорлик жамияти-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 апрелдаги “Оникс” очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш майдонларини молиявий соғломлаштириш ва мақбул-

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЯДИ

ни молиявий инқироз ва банкротликдан чиқариш бўйича “йўл харитаси” деб аталадиган дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарурлигини таъкидлади.

Экспертларнинг фикрича, корхоналарни қайта ташкил этиш уларни молиявий соғломлаштириш ва барқарор ишлаб чиқаришни таъминлашнинг самарали услубларидан биридир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ташкил этишни такомиллаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, маҳсулотлар турини кенгайтириш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб қилишни тақозо этади. Буларнинг барчаси

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарориди ўз аксини топган.

Маъмур қарор қабул қилинган, “Оникс” очик акциядорлик жамияти базасида янги “Тошкент Оникс” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, бу ерда шиша буюмлар ишлаб чиқаришга қаратилган янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда.

“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясининг инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳаллийлаштириш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдурашид

Миржалиловнинг айтишича, лойиҳанинг умумий қиймати 30 миллион доллардан зиёд.

Ишлаб чиқариш икки босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда йилга 20 минг дон буюм ишлаб чиқаришга мўлжалланган электр ёритиш приборлари

йиғиш цехи фаолиятини йўлга қўйиш кўзда тутилди. Бунинг учун тегишли ускуналар харид қилиниб, 30 иш ўрни яратилди. Бугунги кунда бу ерда 26 турдаги қандил ва 5 турдаги бра ишлаб чиқарилаётган ва бу корхонага иқтисодий фойда келтирмоқда.

Иккинчи босқич шиша буюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат бўлди. Бундай маҳсулот тайёрлаш технологияси ускуналар мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаслиги инобатга олинган ҳолда, соҳа мутахассислари томонидан шу хилдаги ускуналар сотиладиган жаҳон бозори ўрганиб

чиқилди ва уларни етказиб бериш бўйича танлов эълон қилинди. Танловда Италиянинг “Stara Glass S.p.A” компанияси ғолиб бўлди.

Бугун корхонада монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Яқин вақтда 16 турдаги шиша буюмлар ва 29 турдаги, жумладан, тарелка, бокал, фужер ва бошқа кўплаб идишлар ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларни маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоиздан ошади.

“Тошкент Оникс” масъулияти чекланган жамиятида жаҳон стандартларига мос энг илгор технологик ускуналар ўрнатилган. Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган ва энергия самарадорлиги юқори бўлиб, бу сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Истиқболда “Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси ички бозорни “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи босилган юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish имконини берадиган яна бир қанча инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни режалаштиратир.

Меҳрибон МАМЕТОВА

ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ ГАРОВИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида “Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистониим!” шиори остида “Мустақиллик – ҳаётимиз маъно-мазмун, миллий манфаатларимиз асоси ва фаровон турмушимиз гарови” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзининг мазмун-моҳиятини ўрганиш мақсадида ташкил этилган тадбирда маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлар гуруҳлари аъзолари, тарихчи олимлар, мутахассислар, талаба-ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда истиқлол берган улкан имкониятлар, унинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Айнан истиқлол ҳақидаги эркинлик ва озоқ ҳаётни ҳада қилди, ўзлгимиз, шаънимиз, миллий ғуруримиз, қадр-қимматимиз, муқаддас динимиз, қадрият ва урф-одатларимизни қайта тиклади. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти тез суръатлар билан ўсиб, ҳатто, жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан пасайгани йўқ. Бу, аввало, аҳоли фаровонлигида, уларнинг ҳаёт даражаси муттасил ўсётганида яққол намоён бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон, айтмаска, ёш авлод бу неъматларнинг қадрига етиши, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўиши лозим. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлгимизни чуқур англаш, истиқлол ғоясига садоқат каби дастурий вазифаларини изчил амалга ошириш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашиб келмоқда. Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик корпуси ва фаоллари олдида бу жараёнда фаол иштирок этиш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда ўрнат қўлиш каби муҳим вазифалар турибди.

Иштирокчилар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Таклиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, келгуси вазифалар белгиланди. Бу каби давра суҳбатларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этишга келишиб олинди.

(ЎЗА)

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

Шайхонтоҳур туман Фуқаролик судида “Қамолот” ЁИХ туман Кенгаши аъзолари, судьялар ҳамда туманнинг фаол ёшлари билан биргаликда учрашув бўлиб ўтди.

Ёшлар учрашув давомида суд мажлиси жараёни, ўтказилиш тартиби, тўпланадиган ҳужжатлар ва кодекслар билан яқиндан танишишди.

— Тадбир ўсиб келаётган ёш авлоднинг давлат ҳокимияти (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд) органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди, — дейди “Қамолот” ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Ёшларни давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш ҳамда мамлакатимизда ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилаётган бу каби таширфлар демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қурилиши йўлида ёшларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Учрашув давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

(Ўз мухбиримиз)

Янги қонун кучга кирди

ИНВЕСТИЦИЯ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Республика Биржа марказида Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази мутахассислари йирик акциядорлик компаниялари, акциядорлар ва бошқа қимматли қўғозлар бозори иштирокчиларининг янги қонуннинг қабул қилиниши натижасида инвестиция ва пай фондлари соҳасида юз берадиган ўзгаришлар, қулайликлар юзасидан тушунириш берди.

Жорий йилнинг 25 август кунин қабул қилинган “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги қонун мамлакатимиздаги коллектив инвестиция тизимининг ривожланишини жадаллаштириш, аҳолининг бўш турган маблағини иқтисодиётга янада кенг жалб қилишга қаратилган.

Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс — акциядорлик жамияти инвестиция фонди ҳисобланади. 4-моддага кўра, инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсининг — инвесторнинг ўзи ишончли бошқарувчига берган пул маблағлари йиғиндиси пай фондидир. Пай фонди юридик шахс саналмайди.

Инвесторнинг пай фондидаги улуши ишончли бошқарувчи томонидан чиқариладиган ҳужжатсиз қимматли қўғоз ҳисобланадиган инвестиция пайи билан тасдиқланади. Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, пай фондини яратиш тўғрисидаги қарор ишончли бошқарувчи томонидан қабул қилинади.

Инвестиция фондининг акцияларини жойлаштириш фонд биржасида амалга оширилади.

Семинар иштирокчиларининг саволларига мутахассислар батафсил жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро тараққиёт уюшмаси (МАР) билан ҳамкорликдаги қиймати 3,8 миллион долларлик “Корхоналарнинг электртехамкорлигини ошириш” лойиҳасига кўра, етти завожда мавжуд 100 дон қўнақларини ёритишда қўл келувчи қўш батареяларига қўшимча яна 1200 дон қўш батареяси харид қилинади. Улар ёрдамда пахта заводларининг атрафи ёритилади. Қўш батареялари ўрнатилиши туфайли ҳар бир завод йилга 430 минг кВт электр энергиясини тежайди. Лойиҳа кўмагида яна энергия тежамкор МФ-160С русумли 200 дон лифтер машинаси харид қилинади.

Уюшма пахтани қайта ишлаш борасидаги катор лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. “Ўзбекгилсаноат” акциядорлик компанияси ҳамкорлигида 2015-2016 йилларда йирик тўқимачилик корхоналарини ишга тушириш лойиҳалари борасидаги ишлар давом этмоқда. Қўнғирот ва Чимбой пахта тозалаш корхоналари негизда ип-калава, трикотаж мато ва

тайёр тикув маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Ғузор ва Бешкент пахта тозалаш корхоналарининг бўш турган биноларида тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир.

2015-2020 йилларда “Ўзпахтасаноат” уюшмасининг элликта пахта заводида реконструкция ишлари олиб борилади. Бу пахта хомашсини қайта ишлаш ҳажмининг 1,4 миллион тоннагача ортишига хизмат қилади. Жорий йилда тасдиқланган инвестиция дастури доирасида Мангит, Музабот, Богот пахта тозалаш заводларидаги эскирган технологиялар замонавийларига алмаштирилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқарилаётган пахта толаси ва бошқа маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини юқори даражага етказишда уюшманинг барча ҳудудий бирлашмаларига ISO 9001 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи сифат менежменти тизимининг жорий этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.



Илгор технологик ускуналар — тараққиёт замини.

Ислон Исмоилов олган сурат

ФАҲРИЙЛАРНИНГ ТАЖРИБАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага чиққан бўлса-да, уйда оёқ узатиб дам оладиган фахрийлар камдан-кам. Хусусан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси идора ва тизимларида фаолият юритиб, бугун нафақада бўлган аксарият истеъфодаги ҳизматлар халқ хизматида.

Буни биз пойтахтимиздаги маҳаллаларнинг қарийб эллик бештасида маҳалла фуқаролар йиғини раислари айнан узоқ йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, нафақага чиққан истеъфодаги фахрийлар эканлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Тошкент шаҳар ИИББ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги марказида бўлиб ўтган тадбирга ҳам шахримизнинг ҳар бир туманидан биттадан ана шундай ўн бир нафар, истеъфодаги ходимлар — энг фаол маҳалла фуқаролар йиғини раислари таширф буюрдилар. Дастлаб йиғилганлар Бош бошқарма бошлигининг бу жонқуяр инсонларга, билдирган самимий тилаклари билан танишишди. Сўнг ИИББ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник М.Абдутов бошчилигида ИИББ раҳбариятининг масъул ходимлари иштирокида уларга ташакурномалар топширилди.

Ватан ичидаги Ватан, муқаддас маскан ҳисобланган маҳаллада фидойиларча меҳнат қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Халқ дарди-

га қулоқ тутиб, маҳалладаги милиция таянч пункти профилактика инспектори билан биргаликда фаолият юритаётган кўпни кўрган бу нуруний инсонларнинг юрт ишидан толмаётганликлари уларнинг сўзлари, юз ифодаларида ўз аксини топган. Негаки, бизнинг: “Нафақада мазза қилиб дам олсангиз бўлмайди?” деган саволимизга уларнинг: “Оёғимиз юриб, юрагимиз уриб, гайратимиз жўшиб турган экан нега энди қўл қовуштириб ўтирар эканмиз”, дея берган жавобларининг ўзиёқ уларнинг эл-юрт осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшган, ҳозирда ўз кўргони бутлиги йўлида олдинга интилаётганликлари билан далолат бериб турибди.

Сочларига оқ оралаган, ҳар бир гапни мулоҳаза билан сўзлаётган Олмазор туманидаги “Аллон” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги полковник Шокиржон Мухамедов, Яшнобод туманидаги “Катта Қўйлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги подполковник Фатхилла Раҳимов, Яккасарой туманидаги “Қушбеги” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, истеъфодаги

Сарвар СОБИРОВ

Устоз – қалб боғининг боғбони, ҳаётимизни илму маърифат нури билан тўлдирувчи инсон. Ниҳолнинг кўкка бўй чўзиб, мустаҳкам дарахтга айланиши учун боғбон парвариши қанчалик зарур бўлса, ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топиши, эл-юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишида унга таълим-тарбия берган устоз-мураббийларнинг билими, тажрибаси, маҳорати, жонқуярлиги муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Юсак маънавият – енгилмас куч" асида таъкидланганидек, ўқитувчи наинки синф хонасига фойз ва зиё олиб қирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўтабар зотдир.

Халқимиз азалдан илм-маърифат тарғиботчиси бўлган устозларни эъзозлаб, уларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келган. Бу фазилат мустақилликка эришганимиздан кейин янада юксалиб, янгича маънавий-маъруза касб этди. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллашани таъминлаш жараёнида ўқитувчиларнинг меҳнати қадрлаш ва уларни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ана шундай эътибордан баҳраманд бўлиб, меҳнатидан эъзоз толган муаллимлардан бири Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Раҳматулла Каримовдир.

Ўттиз саккиз йиллик педагогик фаолияти давомида билимга чанқоқ ўғил-қизларга математика фанини кунт билан ўргатиб, мамлакатимиз илм-фани довурига дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Раҳматулла Каримовнинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 августдаги Фармонида биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

– Бундай юсак эътибор биз, педагогларни янада масъулият билан ишлашга ундайди, – дейди Р.Каримов.

мов. – Бу ишончга муносиб бўлиш, яратилган барча шароит ва имкониятларнинг қадрига етиш бизнинг бурчимиздир. Мустақиллик муаллимларнинг илмий салоҳияти, изланиш ва таълим тараққиёти йўлидаги эркин фаолиятига қанот берди. Мамлакатимизда ёш

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун

УСТОЗ – ҲАЁТ БОҒБОНИ

авлоднинг ўзи қизиққан ва танлаган соҳалар бўйича таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, фан олимпиадалари, танловлар, спорт мусобақаларида иқтидорини намойён этиши учун барча имконият яратилгани биз, ўқитувчиларни ҳам касбга бўлган иштиёқимизни оширади.

Раҳматулла ака билан суҳбатимиз унинг болалик хотираларига улашиб кетди.

– Бугунги ўқувчиларимга ҳавасим келади. Биз ўқиган пайтларда ҳозиргидек шарт-шароит, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаёқда эди, – дейди Ў.А. муҳаббига у. – Ўқитувчилик менга отамроқ касб. Отам математикадан дарс беради. Болалигимдан турли дарсликларни, китобларни томоша қилиб, шу соҳага меҳр уйғонган.

...Тобшой муаллим ҳар кун ишга кетаркан, ёш Раҳматулланинг кўнглида ажиб туйғулар уйғонади. Уйга кира солиб, оппоқ қорғозга алланамаларни ёзиб, сўнг укаларига гапириб беради. Ўқитувчилик касбининг оҳанрабои болалигидан уни ўзига ром қилди. Бироз ўтиб, мактаб партасидаги ҳис-ҳаяжонлар, биринчи муаллимнинг сабоқлари келажакда ушбу касбни танла-

шида туртки бўлди. Университетдаги таҳсил, ўқитувчи сифатидаги илк меҳнат фаолияти Раҳматулла аканинг ҳаётини бутунлай ушбу соҳа билан боғлади.

Раҳматулла Каримов кўп йиллардан буён математика фани истиқболи йўлида хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Фидойи муаллим Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларида жорий этилган синф журналлари, янги такомиллаштирилган рейтинг тизими ва ўқувчилар кундалик рейтинг дафтарини ишлаб чиқишда муносиб ҳисса қўшди.

Айни пайтда мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари сифатида ҳам фаолият юритиб, "Дарс – муқаддас", "Ўрган – ўргат", "Маҳорат мактаби" каби инновацион ишланмаларни мактаб педагогик фаолиятида кенг татбиқ этиб келмоқда.

Тажрибали муаллим таълим-тарбия жараёнида такомиллаштиришга оид қўллаб-қувватлаш қўлланмалар, рисоалар муаллифидир. "Математика ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси", "Қўшимча машғулотларда геометрик масалалар ечиш усуллари", "Математика дарсларида ҳаётийлик", "Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизимини жорий этиш юзасидан амалий тавсиялар", "Осмон тоғига нарвон қўйган аллома" каби рисоалари унинг самарали педагогик фаолияти ва илмий изланишлари маҳсулидир. Устознинг бир қанча шоғирлари турли танлов ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

– Фаолиятим давомида устозимнинг ҳаётий тажрибаси, педагогик салоҳияти менга ўрнатилган келмоқда, – дейди 4-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Дурдона Шарипова. – Раҳматулла аканинг ҳар кунги илм-фан соҳасидаги янгиликлардан бохабар бўлиб туриши ва бунинг эҳтиёжидан ўқувчиларга етказиш оdatи тахсинга лойиқ.

Устоз муаллим баркамол ёшларга таълим-тарбия беришни, уларни юсак марралар сари руҳлантиришни ўзининг энг эзгу орузи, доимий бурчи, деб билади.

Азима ҚИЁСОВА

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 31 мартдаги қарори билан таъкидланган Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишлаб амалий семинар ўтказди.

Унда "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомнинг мазмунини ва моҳиятини ҳақида, мурожаатларни кўриб чиқишда прокурор назорати ҳолати ва аниқланган қонун бузилишларни келтириб чиқарувчи сабаблар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш бўйича янги талаблар тўғрисида иштирокчиларга тўлиқ маълумот берилди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси таркибига қирадиган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати ҳамда камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида аниқ кўрсатмалар тақдим этилди.

Таъкидландики, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасига 2015 йил би-

ринчи ярим йилликда жисмоний ва юридик шахслардан 179 та ёзма мурожаатлар келиб тушган ва уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида автоматлаштирилган электрон ҳужжат айланиш тизимлари, замонавий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотлардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда жисмоний ва юридик шахслардан "Ягона интерактив давлат хизматлари портали", қўмитанинг электрон манзили ҳамда "Ишонч телефонлари" орқали атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасига оид мурожаатлар қабул қилиниб, ижро жараёни тўлиқ бажарилгунга қадар назоратга олинган. Буларнинг барчаси мурожаат этувчиларнинг манфаатлари таъминлашига хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Семинар иштирокчиларига уларни қизиқтирган саволлар, амалиётда учраётган масалалар юзасидан жавоб берилди.

"Туркистон-пресс"

Яккасарой туманидаги "Дамарик" маҳалла гузарига Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали, 58-оилавий поликлиника томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Тиббий кўрик давомида 56 нафар нуруий ва кексалар, 31 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 19 нафар болалар саломатлиги текширилди.

– Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча жабҳаларда, жумладан тиббий соҳасида ҳам кенг қўламдаги ислохотлар амалга оширилди, – дейди 58-оилавий поликлиника бош шифокори Назокат Фулмова. – Бу бирламчи тизимни вилоят, туман шифохоналарини қайта қуриш, реконструкция қилиш, нодавлат ҳамда янги технологияли тиббий секторни ривожлантириш, замонавий тиббий жиҳозларнинг кириб

келиши, аҳолига замонавий биноларда тиббий кўриқларни ташкил этиш, тиббий хизматни тараққий эттириш каби йўналишларда акс этади. Бизнинг 58-оилавий поликлиникада ҳам "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида тиббий кўриқларни ташкил этиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз.

Мазкур поликлиника 24500 нафар аҳолига хизмат кўрсатиб келади. Жорий йилнинг 8 ойи давомида жами аҳолининг 17474 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар билан қамраб олинди. Худуддаги Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрий-

лар, якка-ёғли кексаларнинг хонадонларида лаборатория хизмати, ЭКГ ва УЗИ текширувлари ҳамда 8 та тор соҳа мустахасссларини жалб қилган ҳолда тиббий кўриқлар ўтказилган. Муассасага "Бошлик", "Дамарик", Абдулла Қаҳҳор ва Бобур номи маҳалалар бириктирилган.

Тадбир давомида ётуғлик ҳолдаги беморларнинг уйларида шифокорлар томонидан кўрик ташкил этилиб, лаборатория ва диагностика, ЭКГ ва УЗИ текширувлари ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича рўйхатга олинб, соғломлаштириш ишлари режаси тузилди. Уларга керакли маслаҳатлар ҳамда шифохона ва нуруийларни соғломлаштириш мажмуасига йўланмалар берилди.

Зиёда РАСУЛОВА



Олимпия шон-шўхрати музейида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Мустақиллик даври музейлари: кеча ва бугун" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

МУЗЕЙ – ХАЛҚ ТАРИХИНИНГ КЎЗГУСИ

Тадбирда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъатимизни янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар буюк аждодларимизнинг бой ва бетакдор меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, дунё мамлакатлари ўртасида кенг тарғиб этиш, келажак авлоднинг қадриятларимиз руҳида вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Музейлар аждодларимизнинг авлодларга қолдирган муносиб меросини тарғиб қилувчи, бизни минг-минг йиллик илдишларимиз билан боғловчи, шунингдек, бугунги кун ривожланиш ва тараққиёт давларини ўзида акс эттирувчи, ўзлгимизни намойён этувчи маънавий-маданий бой хазинадир.

Ўтган йиллар мобайнида улғў аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, улар қолдириб кетган бой маданий мерос ва тарихий ёдгорликларни авлодларга етказиш мақсадида мамлакатимизда музейлар фаолиятини рағбатлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 118 та музейлар мавжуд бўлиб шулардан 42 таси марказлашган тизимда фаолият юритади. Уларда 1 миллион 736 мингдан ортиқ экспонатлар сақланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги "Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада амалга оширилаётган ишларга дастуруламал бўлмоқда.

"Музейлар ҳафталиги" доирасида ўтказилган тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур ҳафталикда музейларда 42 та кўргазмалар очилиб, уч юзга яқин хайрия тадбирлари, очик

эшиклар кунли, танловлар, викториналар, музей захирасига саёҳатлар, реставраторлар билан таълим, концерт дастурлари, ёзувчи, шоир, рассом, хайкалтарош, хунарманд уста, кулоллар билан давра суҳбатлари ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида "Музей халқ тарихининг кўзгу-си", "Ёшлар тарбиясида музейларнинг ўрни", "Музей маданияти ва маърифат маскани", "Бизнинг музей ҳаёти", "Музейлар манбалар хазинаси", "Музейшунослик ва археология соҳасида эришилган ютуқлар" сингари мавзуларда давра суҳбатлари уюштирилди.

– Музейлар ҳафталиги халқимизнинг бой маданий меросини тарғиб қилиш билан бирга аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ўз-ўзликни мустаҳкамлайди, – дейди Фафур Фулом номидаги уй музейи директори Олмас Аҳмедова.

– Ҳафталик давомида музейларга аҳолининг кенг қатлами жалб этиш мақсадида музейлар иш вақтини узайтириб, фуқароларнинг кунидан кейин ташрифига имконият яратиб берилди. Тадбирлар доирасида "Ёшлик тароналари", "Ўзбек мумтоз куйлари" мавзуларида ўттизга яқин концерт дастурлари намойиш этилди.

Музейлар ҳафталиги давомида халқимизнинг тарихий, илмий-маданий мероси, маънавий анъаналаримизни асраб келаётган юзлаб музейлардаги халқ амалий санъати намуналари, турли археологик топилмалар, рассомлик, хайкалтарошлик, маиший ва этнография буюмлари юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларга она Ватанимизнинг ўнмиши ва бугуни ҳақида кенг ва батафсил маълумот берди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида халқимиз саломатлигини асраш, имконияти чекланган кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида жўнатилган Саломатлик поезди ана шундай эзгу ишлардан биридир.

Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимизнинг олис ва чекка ҳудудларига ташкил этилган шундай поездлар таркибидagi мутахассислар томонидан етти минг нафардан зиёд аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Шу билан бирга, аҳолига ҳамда ҳудудлардаги тиббий-ижтимоий муассасаларга озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, тиббий жиҳозлар, санитария-гигиена воситалари, витаминлар етказиб берилди.

Навбатдаги Саломатлик поезди "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Baxtteks-Farm", "Diyor biznes" масъулияти чекланган жамиятлари, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти, АКШнинг "Ameri Cares" ва "Toms Shoes" ташкилотларининг тиббий-ижтимоий анжомлардан иборат мурувват юклари асосида шакллантирилган.

Мазкур акцияни ташкил этишдан қўзланган мақсад экологик нуқулдай ҳудудлар аҳолисини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш, аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдир.

Малакали шифокорлар 11 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор туманларида бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди. Шу билан бирга, "Соғлом авлод учун" фондининг ҳудудий филиалига қарашли тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси томонидан Оролбўйидаги марказий ва болалар шифохоналари, туғруқ мажмуалари, болалар махсус мактаб-интернатларига хайрия ёрдами кўрсатиш режалаштирилган.

Ҳафталик давомида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни юксалтиришга оид тарғибот ишлари ҳам ташкил этилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2015 йил 30 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулк тақдоран қўйилмоқда:

1. Миробод туман СИБ томонидан, 2015 йил 5 июнь кунги 10-1510/11813-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ҳамал кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий майдони 67820 кв.м., фойдаланиш майдони 11180 кв.м. бўлган қўчмас мулк. Бошланғич нархи 14 146 747 797 сўм.

2015 йил 20 октябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулклар Юнусобод туман СИБ томонидан қўйилмоқда:

1. 2015 йил 9 июнь кунги 1-3957/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 8-мавзе, Мирзаахмедов кўчаси, 1а-уйда жойлашган, умумий майдони 435 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошланғич нархи 673 567 502 сўм.

2. 2015 йил 21 апрель кунги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 3-тор Фирдавсий кўчаси, 17/17а-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 232,81 кв.м., яшаш майдони 152,24 кв.м. бўлган уй-жойнинг 1/2 қисми. Бошланғич нархи 803 290 000 сўм.

Юқоридидаги қўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтининг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўқатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар қўчмас мулк бошланғич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА! ДУК "СУВСОЗ"

Энергоресурсларнинг нархи ошганини сабабли, 2015 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳар аҳолиси учун ичимлик суви ва оқова сувларнинг тарифларининг қайта киритилишини баҳар қилади:

Сув таъминоти бўйича — 1м³ учун 160 сўм 00 тишин, ҚҚСиз.

Оқова сув бўйича — 1м³ учун 105 сўм 00 тишин, ҚҚСиз.

Мирзо Улуғбек туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳисобида турган ТН серияли № 457511 сонли меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Спорт янгилклари



САРАЛАШ БОСҚИЧИ ОЛДИДАН

Ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси Қатарда мезбон терма жамоа билан назорат ўйинида куч синашиб 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Учрашувда Темур Олимхўжаев шогирдлари тўпни назорат қилишга эътибор берган ҳолда жамоавий ҳужумлар уюштиришга интилишди. Тўп рақибга берилмаслиги натижасида Қатар ўсмирлари жисмоний тарафдан кўп куч йўқотишга мажбур бўлишди. Мазкур баҳсда терма жамоамиздан голларни Расул Йўлдошев ҳамда Абдулхай Исмоиловлар киритишди.

Бу сафарги йигин орқали Фаластинда

ўтадиган саралаш баҳсларида иштирок этишга номзод футболчиларнинг тайёргарлик ҳолати яна бир бор кўздан кечирилди. Эслатиб ўтамиз, "А" гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 16-20 сентябрь кунлари Фаластинда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш беллашувларида Яман, Мальдив ороллари ва Фаластин ўсмирлар терма жамоаларига қарши тўп суради.

ЯШИЛ МАЙДОН
МАЛИКАЛАРИ

Юртимизда аёллар футболлини янада оммалаштириш, ҳаваскор футболчи қизлар маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Футбол бўйича "Яшил майдон маликалари" мусобақаси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. Мазкур мусобақанинг финал босқичи Тошкент шаҳрида ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада жами бўлиб минг нафардан ортиқ ҳаваскор футболчи қизлар қатнашди.

Турнирнинг ярим финал баҳсларида ўз минтақаларида ғолиб деб топилган Тошкент, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилояти жамоалари етиб келишди. Ярим финал учрашувлари қизгин курашларга бой бўлиб, унда Фарғона – Хоразм – 0:0 (пенальтилар сериясида 3:1), Тошкент вилояти – Қашқадарё – 2:0 ҳисоблари қайд этилди.

Ўз минтақалари ва ярим финал баҳсларида рақибларига имконият

қолдирмаган Фарғона ва Тошкент вилояти жамоалари, ниҳоят, финал ўйинида пойтахтимиздаги "Жар" стадионида ўзаро куч синашди. Ўйин давомида ҳар икки томон вакиллари узоқ тўп узатишлар эвазига ҳужум уюштиришга ҳаракат қилишди. Биринчи бўлим сўнггида водийлик қизларда чарчоқ аломатлари сезила бошлади. Тошкент вилояти тўпурари Мавлуда Комилжоннова бу ҳолатдан унумли фойдаланиб, 40 ва 43-дақиқаларда рақиб дарвозасини икки марта ишғол қилди. Фарғонадан келган муҳлис-лар севибли жамоаларини ҳар қанча қўллаб-қувватлаб туришмасин иккинчи таймда дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

Шундай қилиб, мусобақада Тошкент вилояти жамоаси мусобақа кубоги ва олтин медалларни қўлга киритди. Фарғона вилояти эса кумуш, учинчи ўрин учун баҳсда ғалаба қозongan Қашқадарё вилояти бронза медалларга эга бўлишди.

ҚИТЪА КУРАШ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Халқаро Кураш Ассоциацияси ташкил этилганга 17 йил тўлган айни дамда сайёрамизнинг 122 давлатида миллий федерациялар фаолият кўрсатмоқда.

Бухоро шаҳрида ташкил этилган Кураш бўйича халқаро турнир арафасида эса Ўзбекистон, Қозғис-тон, Қирғизистон, Турк-манистон, Тожикистон Кураш Федерациялари раҳбарлари ва вакиллари-нинг ўзаро келишувига кўра Марказий Осиё Ку-

раш федерацияси ташкил этилди.

Бухоро вилояти Марказий ўйингоҳи мажлислар залида мазкур федерациянинг биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда сўзга чиққан аъзо давлат федерациялари вакиллари курашни Марказий Осиё давлатлари

орасида янада кенг ривож-лантириш, мунтазам равиш-да Марказий Осиё чемпи-онатлари, очик ва халқаро турнирлар ҳамда ўқув йиғин машғулотлари ўтказишга келишиб олишди.

Конгресс давомида Мар-казий Осиё Кураш федера-циясининг бошқарув раҳбар органлари ҳам сайлаб олин-ди. Марказий Осиё Кураш федерацияси Бош котиби сифатида Олим Ҳайитов фа-олият юритиладиган бўлди.

Мамлакатимизнинг футбол бўйича Осиё миқёсида эришаётган барқарор ижобий натижалар ҳамда юртимизда футбол ўйинига бўлаётган алоҳида юксак эътибор сабаб Осиё футбол конфедерацияси футбол мураббийлари учун навбатдаги ўқув-семинар курсларини айнан Тошкент шаҳрида ўтказишни лозим деб топди.

МУРАББИЙЛАР УЧУН СЕМИНАРЛАР
ЎТКАЗИЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги терма жамоаларнинг ўқув-йиғин ўтказиш базасида бошланган ўқув-курслари "В" лицензияси учун ташкил этилган бўлиб, машғулотларни ОФК инструктори ўзбекистонлик Исроил Аҳмедов олиб бор-

моқда. 20 сентябрга қадар давом этадиган йиғирма кунлик йиғинга координаторлик қилиш вазифаси малакали мутахассис Шавкат Имомовга топширилган.

Ботир ХЎЖАЕВ

Шаҳар Фавқулудда вазиятлар
бошқармаси фаолиятданМАВСУМ
ТАДБИРЛАРИ

Пойтахтимиз маҳалла гузарлари ва кўчаларини ободонлаштириш, санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар ичидан оқиб ўтаётган анҳор ва каналларнинг қирғоқларида айрим хонадон эгалари томонидан ноқонуний (хаммом, товўқхона, молхона, қўйхона ва ҳоказо) қурилмалар аҳолининг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётганидан ташқари маҳалла ҳуснига доғ туширади.

Маълумки, Чирчиқ дарёсидан ҳосил бўлган, пойтахт ҳудудидан оқиб ўтувчи юздан ортиқ ариқ ва каналлар мавжуд. Уларнинг ҳар қайсиси ўз оқимида эга бўлиб, маҳалла гузарлари ва кўчалар оралаб қўйи томон оқиб бораверади. Афсуски, айрим хонадон эгаларининг лоқайдлиги сабабли оқар сувларнинг меъёридан ортиқ ифлосланишига, айрим фуқаролар томонидан гараж ва бошқа қўлбола ноқонуний қурилмаларнинг ҳамон "фаолият" кўрсатаётгани, айниқса сувнинг оқими меъёрининг бузилиши ёхуд турли чиқиндилар сабаб айрим кўприкларда тақин ҳосил бўлиши ва сув тошқини рўй бериши эҳтимоли киши хавотирини янада ошириши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 майдаги "Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи Анҳор канали бўйларидидаги ноқонуний қурилмаларни бузиш, муҳофаза зоналарини тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 44-сонли мажлис баёни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулудда вазиятлар бошқармаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Чилонзор тумани ҳокимлиги, "Тошшаҳарнур" туман бўлими ва бошқа ташкилотлар томонидан Чилонзор тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи 8,7 км масофадаги Анҳор каналининг ўнг ва чап қирғоқларида экологик ва санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш бўйича манзилли Дастурга мувофиқ тадбирлар ўтказилди.

— Маҳалламиз тумандаги энг катта маҳаллалар қаторига киради. Айни пайтда маҳалламизда 7436 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Чилонзор туманидаги "Новоз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мансур ака Сиддиқов. — "Ҳамкорликда ҳикмат кўп" деганларидек маҳалламиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Анҳор каналининг ўнг ва чап қирғоқларини экологик ва санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Анҳор каналининг салкам икки километри маҳалламиз ҳудудидан оқиб ўтади. Ҳозирги кунда ноқонуний қурилмаларга барҳам берилиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлардан маҳалламиз аҳли жуда мамнун.

Хавф рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал, деганларидек каналнинг ўнг ва чап қирғоқларининг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ифлослантурувчи манбалар аниқланиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ходимлар билан ҳамкорликда муҳофаза тадбирлари ўтказилмоқда.

Азамат СУЙОНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР
ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга тадбиқ этилган бўлиб, унга кўра, жисмоний ҳақда юридик шахсларга қўчмас мулк билан боғлиқ барча кўринишдаги хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш, қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ва турли кўринишдаги маълумотларни тақдим этиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқиш odnokno.uz интернет саҳифасидаги аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади. Давлат хизматларидан фойдаланиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, ушбу ариза ижросини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш имкони мавжуд.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ваколатли орган — "Ерего-декадастр" давлат қўмитасига ариза беришлари мумкин. Ягона портал орқали келиб тушган аризалар марказлашган ҳолда мониторинг ва назорат қилинади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга қўлаё, тез ва ошқора хизмат кўрсатилиши таъминланади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 12.12.2014 йилда реестр рақами 010419-08 билан рўйхатдан ўтган "ОТТИМО" МЧЖ (ИНН 303116739)

ТУГАТИЛАДИ

Давволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой давомида қўйдаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 975-40-47.

	ЎЗГИДРОМЕТ	кундузи — 25-27 даража иссиқ бўлади.
	ХАБАР ҚИЛАДИ	Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 сентябрь ва 16 сентябрь эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шад-дар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг сақланиб қолишига имконият яратилди, ифлосла-ниш даражаси паст бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҚОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА
ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1. "Тошиссиққуввати" ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2015 йил 1 октябрдан бошлаб қорхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз 55685,0 сўм/Гкал миқдоридан ҚҚС билан 66822,0 сўм/Гкал миқдоридан белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. "Тошиссиққуввати" ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2015 йил 1 октябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қўйдаги ойлик тарифлар белгиланади:

— марказий иситиш — 1073,06 сўм/м²/тақвимий (календар) йил ойи (иситиш майдони);
— иссиқ сув таъминоти:
— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 12395,40 сўм/киши/ой;
— умумий қўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун — 9220,98 сўм/киши/ой;

АҲОЛИ УЧУН:

Рўйхатда турувчи фуқаролари бўлмаган ва иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари ўрнатилмаган турар-жой хоналарида иссиқ сув таъминоти хизматлари учун ҳисоб-китоблар, истеъмол қилиш меъёрлари бўйича, иссиқ сув таъминоти хизматларига қўйилган тарифларнинг 1,5 га оширилган коэффицентини қўллаган ҳолда қўйдагича ҳисобланади:

бир хонали ва икки хонали хонадонларда — бир киши учун;
уч хонали хонадонларда — икки киши учун;
тўрт хонали хонадонларда — уч киши учун;
беш хонали хонадонларда — тўрт киши учун.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МИРЗО
УЛУҒБЕК ТУМАНИ УЛУҒБЕК
ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН
ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
ДИҚҚАТИГА!

"Qurilish ta'mirlash xizmat ko'rsatish boshqarmasi" ДК маълум қиладики, энергия ташувчи муҳитнинг нархи ошиши муносабати билан 2015 йил 1 октябрдан бошлаб қорхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 47 113,09 сўм/Гкал, ҚҚС билан 56 535,71 сўм/Гкал миқдоридан белгиланади.

УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИ АҲОЛИСИ
ДИҚҚАТИГА!

"Qurilish ta'mirlash xizmat ko'rsatish boshqarmasi" ДК шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳитнинг нархи ошиши ҳамда марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун иссиқлик юкломалари ўзгаргани муносабати билан 2015 йил 1 октябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қўйдаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

— марказий иситиш — 1118,08 сўм/м²/ой (турар жой майдони);
— иссиқ сув ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаганда — 8400,92 сўм/киши/ой;
— иссиқ сув ҳисобга олувчи асбоб бўлган тақдирда — 2619,49 сўм/м².
Асос 11.09.2015 йилдаги 29-ТГ-2015 сон реестр.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
"Тошкент почтамати"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6378 нускада босилди.
Қороз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г-955

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.30